





— Хусусий транспорт эгаларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида уларни қасаба уюшма аъзоллигига жалб этиш лозим, — дейди тармоқ кенгашининг вилот вакили Хусан Сатторов. — Чунки, айни пайтда айрим келишмовчиликлар, баъзи бир ташкилотлар томонидан ноқонуний жаримага тортиш ҳоллари ҳам учраб турибди.



Касб-кори, хизмат вазифасидан қатъи назар ҳар бир меҳнаткаш тегишли қонулар доирасида ҳимояланиши, ҳуқуқ ва бурчларини англаши лозим. Тан олиш керак, анчагина соҳа вакиллариимизнинг ана шу масалада қийинчиликлари энгиб ўтишларига тўғри келди.



Оқтовда дўлалар бугун мунғайган. Қайсидир бераҳм болтаси унинг сийна-сига келиб тушишидан хавотир ҳадикда. Бодом ёғининг қилоси фалон пул бўлган бир чоғда бу бедодликни оқлаб бўладими?



# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу халқимизнинг бақувват иймон-этиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намён бўлмоқда.  
**Ислом КАРИМОВ**

2008-йил  
13-sentabr,  
shanba  
№113 (2526)

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон-Озарбойжон: Ҳамкорликнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябр кун расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасига келди.

«Зағульба» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Илҳом Алиевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари ва маданияти яқинлиги, қадриятлари умумий эканлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилиши таъкидлади. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган ўзаро манфаатли қўллаб қўллашувларга эришилишига ишонч билдирди. Илҳом Алиев эса бугунги музокаралар 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувнинг мантӣқий давоми эканини, Озарбойжон томони

ушбу ташрифга муҳим аҳамият беришини таъкидлади. Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратиб, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган транснационал жиноятчилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни атрафлича муҳокама қилдилар. Сўнг Ўзбекистон ва Озарбойжон Президентлари ишторикода икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараси бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, сармоавий, илмий-техникавий, гуманитар соҳаларда Ўзбекистон-Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Музокараларда таъкидланганидек, иқтисодий ҳамкорлик курсаткичларини икки мамлакатнинг им-

коният ва салоҳияти даражасида деб бўлмайди. 2007 йил якуналарига кўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда озарбойжонлик шериклар билан тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, махфий ахборотни ўзаро ҳимоя қилиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинацияланган ташуварни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳуқуқлараро битимлар, шунингдек, атрафмуҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўрашлараро битимлар имзоланди.

### Қарор ва ижро



Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори юртимизда санъатнинг янада қадр топиши ва ривожланиши йўлида муҳим қадам бўлди. Қизилтепа тумани М.Ашрафий номидаги болалар санъат мактабида ҳам мазкур фармон ижроси юзасидан талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. — Асосий вазифамиз ўқувчи ёшларга мусиқа, тасвирий санъат, театр ва рақс санъати билимлари асосларини ўргатиб, уларни санъат оламига етаклаш, шунингдек, жаҳон классик мусиқа адабиёти ва халқимизнинг мумтоз мусиқа мероси дурдоналари, устоз-шоғирд аъёнларини асосида нафис санъатнинг барча турларидан баҳраманд қилиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг фаол қатнашчиларини тарбиялаш ва иқтидорли ўқувчиларни шу соҳанинг ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлашдан иборат, — дейди санъат мактаби директори М.Халилов. Мазкур таълим масканида 158 нафар ўқувчи санъатнинг 12 йўналиши бўйича таълим олмақда. Уларга ўз соҳасининг усталари бўлиши 20 нафар ўқувчи сабоқ бермоқда. «Янги авлод» меғатанловига пухта ҳозирлик қўраётган санъат мактаби ўқувчилари республика миқёсидаги турли танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишган.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

### Мусоҳаба

## Инсон ҳамиша азиз, доим ардоқда

Ўзбекистон Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Алишер Мадалимов билан суҳбат

— Ҳеч бир мулоғасиз айтиш мумкинки, истиқлол Ўзбекистонда автомобил транспорти ва йўлсозлик соҳасида янги бир даврни бошлаб берди. Ушбу жабҳада ўзига хос мактаб яратилди. Яъни, ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам манзилга етиб олиш, аввалги пайтлар билан қиёслаганда, ўн чандон осонлашди. Режалар эса янада ёруғ, янада залворли, Алишер Маликович, суҳбатимизни дилда ифтихор уйғорганда, бу бунёдкорлик ишларини яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиб олинган бошласак.

— Йўл хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш узоқ ўтмишда. Ушлаб асрларни ўз ичига олган мўзайга бориб тақалайди. Қитъаларни, улканларни, олис мамлакатларни ўзаро боғлаган, узун-узун қаровларни манзилларга етказган, катта-кичик давлатларни бир-бирига танитган, яқинлаштирган Буюк Ипақ йўли бунинг ёрқин мисолидир.



Алишер Мадалимов

Асрлар ўтди. Туя қаровлари ёнига от-аравалар қўшилди. Автомобил, буғ қозонли паравозлар, кема-лар пайдо бўлди. Иқтисодий, иқтисодий, маданият алоқалари ривожини янада тезлашди, жадаллашди. Езда чанг, қишда лой кўчалар ўрнини аста-секин тош ётқизилган йўллар эгаллаш бошлади. Янги-янги кашфиётлар, иктидорлар натижаси ўлароқ темир-бетонли, асфалт йўллар, қўчалар барпо этилди. Турли автомобилсозлик, йўл қурилиши компаниялари пайдо бўлди. Ота-боболаримиз орзу қилган мустақиллик ўлкамиз-

га ўзгача руҳ, ўзгача файз олиб кирди. Тарихан жуда юксак мўддатда барча соҳалар қатори бизнинг тармоқда ҳам кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган ўзгаришлар юз берди. Истиқлол ёшидаги бахтиёр авлод учун булар шунчаки, ҳар бир инсон иншаши учун зарур бўлган қўндалик эҳтиёжларнинг амалдаги бир кўриниши ҳолос. Балки шундай бўлгани ҳам яшидир. Зеро, руҳан телик қалб эгаларининг қадри олдига дадил қўзлаган манзиллари юксак бўлади. Бизнинг вазифамиз эса фогт муражаб қайта қуриш ва ислохотлар босқичидан имкон борича тезроқ ўтиб олиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширган ҳолда, тараққийот ва фаровон ҳаёт тарафатини келажак авлодга ёруғ юз билан топширишдан иборатдир.

— Ҳар бир ташкилот аъзоларининг сони ва жиғислиги билан қўли. Аммо бу ўз-ўзидан бўла-диган жараён эмас. Изланиш ва ташаббускорлик кўрсатибгина унга эришиш мумкин. Аъзолик афзаллигини амалда намён қилиш учун қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда? — Мулкчилик шаклининг ўзгариши, қўллаб хусусий корхоналарнинг вужудга келиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг шаклланиши қасаба уюшмалари фаолиятига ҳам ўзгаришлар киритди, албатта. Эркинликнинг мутлоқ ихтиёрлик деб тушулган айрим хусусий корхона раҳбарларининг базан эътиборсизлигига қарамай, меҳнаткаш-

(Давоми 2-бетда)

## Янгиликлар панорамаси

Ўзур молия-иқтисод коллежи битирувчилардан 37 нафарига «Микрокредитбанк» томонидан минимал иш ҳақининг 50 баробари миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

### Ёшлар учун кредитлар

Касб-хўнар эгалари бундай қўллаб-қувватлашдан мамнун. Олинган кредитлар кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланади. «Ёшлар йили» давлат дастурида кўрсатилган имтиёздан фойдаланган Маъмура Одилова сабзаёт ва полз маҳсулотлари етиштириш, Малик Жумаев парранда боқиб, Элбек Жайруллаев кўнчилик билан шуғулланилди.

Исзат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Сайфулло Собиров, Александр Трошин ва Костя Науменколарнинг ҳаётини ўқимасиз бўлиб қоладиган хурсандчилик нишонланди. Қоровулбозорнинг Нефтчилар шаҳарчасида файзли дастурхон тўзалиб, бахтли келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

### Шаҳарчада катта тўй

Гап шундаки, тақдир тақозоси билан ота-онасиз қолган бу уч йигит бир пайтлар Бухородаги Меҳрибонлик уйида тарбияланишган. Кейин нефт ва газ саноати коллежида тахсил олишган. Бугун эса вилотнинг йирик саноат корхоналаридан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилишяпти. Завод маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси ўз юфти ҳалолни таллаб, баян оstonасида турган уч йигитнинг никоҳ тўйига бош-бош бўлди. Корхона уларнинг тўйларини мазмунли ва завқли ўтиши билан боғлиқ барча харажатларни, янги оилалар учун керакли рўзгор буюмларини, ҳатто меҳел, телевизор, музлаттич ва бошқа жиҳозларни ҳада этди. Шунингдек, ёш оилаларнинг ҳар бирига заводнинг замонавий лойиҳа асосида қурилган, етарли шарт-шароитларга эга бўлган оилавий ётоқхонасидан уй-жой ажратди.

Исзатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Гулистон шаҳридаги «Кутбиддин ҳамкор» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ишлаб чиқарилаётган меҳел жиҳозлари ўзининг сифатли ва бежиримлиги билан барчанинг эътиборини тортмоқда.

### Арзон ва сифатли

Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган стол-стул, диван, кресло каби жиҳозлар бир мунча арзон. Корхонада ҳар ойда 15—16 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариламоқда. Жамоада ҳозир 16 нафар ёш иш билан таъминланган. Йил охиригача уларнинг 30 нафарга етказиш режалаштирилмоқда.

Анорбий НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғилоний кўчасида икки қаватли бешинчи оилавий поликлиника қайта таъмирланиб, мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

### Янги шифо маскани

— Янги шифо масканимиз эмлаш, физиотерапия, лаборатория, оналар ва болалар бўлими, дорихона ҳамда кундузги стационарга эга, — дейди поликлиника бош-ҳақими, биринчи тоифали врач Одилов Мирзаев.

Янги шифоҳонада 16 нафар шифокор ва 70 га яқин ходим ўн бир маҳаллада истиқомат қилаётган 28 миңдан зиёд катта-кичик аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Стандарт» хусусий қурилиш жамоаси бунёдкорлари ушбу шифо масканини таъмирлаш ишларига 73 миллион сўм маблағ сарфладилар. Муҳаммаджон МАХМУДОВ

«Ёшлар йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида вилот Кизил яримой жамияти ташаббуси билан Қарши шаҳридаги 3-меҳрибонлик уйида «Ёшлар — бизнинг келажакимиз» деб номланган хайрия тadbiri бўлиб ўтди.

### Тарбияланувчилар ҳузурда

Унда сўзга чиққанлар инсонпарварлик халқимизга хос хислат ҳисобланиши, муҳтожларга мадад бериш муқаддас бурч эканлиги ҳақида гапирдилар. Тадбирда меҳрибонлик уйи болаларига қийим-кечак ҳада қилинди.

Ўз мухбиримиз

## Асрлар синовидан ўтган дўстлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифининг иккинчи кунини ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданият-маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди: Боқуда газал мулкнинг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилиб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улуг аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбек номи берилди.

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, шеърят илҳосмандлари, Озарбойжон жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. — Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди, — деди Ислом Каримов. — Эндиликда Боқуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомлана билай деб, бир-бирини таржумонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон қўллаб-қувватлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Лекин Озарбойжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туфайли алоҳида ажралиб туради. Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев бугунги кун икки мамлакат тарихида алоҳида ўрин олишини қайд этди. — Озарбойжон халқи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни жуда яқин билади, — деди Озарбойжон раҳбари. — Унинг деярли барча асарлари озарбойжон тилига таржима қилинган. Навоий ижодиёти бутун Шарқ адабиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Боқудани Навоий ҳайкали ва Мирзо Улугбек номидаги кўча асрлар давомида мустаҳкамлашиб келган ва бугунги кунда юқори босқичга чиққан дўстлигимизнинг ёрқин рамзларидир. Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Улдуз» қароргоҳида Кавказ мусулмонлари идораси раиси Аллоҳ-

шукур Пошшоходани қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маърифий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш, динни никоҳ қилиб олган айрим-айрим ниятли қўчаларга қарши биргаликда курашиш каби масалаларга эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов Боқудани Фахрий хиббонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга, икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб Хайдар Алиев мақбарасига гулчамбар қўйди. Президентимиз Озарбойжон раҳбари ҳамроҳлигида Хайдар Алиев жамғармасига ташриф буюрди. Ислом Каримов жамғарманинг тарихи, фаолияти билан танишди. Озарбойжон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва давлатчилигини ривожлантириш йўлида беқийс хизмат кўрсатган Хайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий экспонатларни кўздан кечирди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифини ниҳоясига етди. Президентлар таъкидлаганидек, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга иштирокчи муштарак, халқларимизнинг анъанавий дўстлиги мустаҳкам эканидан яна бир ёрқин далolat бўлди. Ташриф асосида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очиб беришга имкониятлар асосида таъйёрланди

ЎзА материаллари асосида таъйёрланди





«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Шундай инсонлар бўлади, уларнинг иш услуби, шахсий намунаси атрофдагиларга таъсир кўрсатмай қолмайди.

...Пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуаси. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши тизимидаги ташкилотлар ва аппарат ходимлари спартакиадаси кизгин паллага кирган. Ангил атлетика бўйича бахсларда Ўзбекистон машинасозлик ва металлургия саноти ходимлари касабаси уюшмаси жамоасидан Йўлчибой Раҳимжонов югуриш, узунликка сакраш, граната уқтириш шартлари бўйича энг кўп очко жамғариб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Аслида ангил атлетика мусобақасида чаккон, вази ҳам унча катта бўлмаган спортчилар катнашади ва омад ҳам кўпинча уларга кулиб боқади. Лекин Йўлчибой ака тахминан 100 килодан оғир-

ляпти. Германия, Исроил, АҚШ, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари жамоалари, Қозоғистондан келган фахрийлар клубларининг катнашуви эътиборга молик.

Хўш, улар нега турнирга ташриф буюришади? Катта соврин жамғармаси кўйилмаган бўлса, ташкилотчи сифатида йирик вазирилик ёки ташкилотлар турган бўлмаса?

Саволимизга хотира турнирининг бу йилги голиби, АҚШ элчихонаси аъзоси Наил Ҳаметов куйидагича жавоб кайтарди:

— Ҳар йили ушбу турнирда катнашамиз. Унга ташкилотчилик қилаётган Йўлчибой акага раҳмат. Халқаро турнирда бундан кейин ҳам катнашиш ниятида-ми.

Оромгоҳнинг маънавият ва маърифат

— Ёшим 12 да. «Алгоритм»да роса маза қилдик. Ҳар куни турли ўйинлар ўтказилади. Асло зерикмайсиз. Айниқса, одоб-ахлоққа катта эътибор қаратишади. Концертлар қўйилади...

Оромгоҳ раҳбари Йўлчибой ака спортни соврини учун кўплаб мусобақалар ташкил этилади. «Пахтакор-79»дан ташқари волейбол бўйича қизлар жамоалари ўртасида республика турнири, тармоқ касабаси уюшмасининг республика спартакиадаси шу ерда ўтади.



Меҳнатсевар ва спортсевар Йўлчибой ака Янгилик

роқ тош босади. Тезлиги эса унча-мунча энгил вазилиларникидан кам эмас. Бунинг устига қаҳрамонимиз спартакиаданинг мини-футбол баҳсида ҳам «Машинасозлар» жамоасини сардор сифатида майдонга олиб тушди. Ҳужум чизигида фаол ҳаракат қилиб, муҳим голларга муаллифлик қилди.

Йўлчибой Раҳимжонов «Алгоритм» ОАЖнинг касабаси уюшмаси кўмитаси раиси. Жамоада шартномаларнинг бажарилиши жойида. Ишчиларнинг оилавий аҳволи доимо эътиборда. Завод ишчиларидан тўзилган футбол жамоаси фахрийлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилигида иштирок этади. Машғулотлар ва биринчилик ўйинлари меҳнат самардорлигини оширишга, соғлом турмуш тарзининг вужудга келишига хизмат қилади. Аммо бу ҳаммаси эмас.

ишлари мудури Бекпошша Уллимуча билан дам олувчиларнинг кун тартиби ҳақида суҳбатлашдик.

— Болалар ўртасида доимий равишда мусобақалар ўтказилиб, голибларни турли ширинлик ва совғалар билан тақдирлаймиз. «Гийҳандалик — аср вабоси», «Нон азиз», «Огоҳлик — давр талаби» каби ўнлаб мавзуларда суҳбатлар ўтказиш аниъанага айланган. 20 нафар радиожурналистимиз бор. Улар ҳар куни турли қизиқарли эшиттиришлар тайёрлашади. Болаларимиздаги интилиш, уларнинг зуққолиги бизни қувонтиради.

Оромгоҳда ҳар йили юзлаб Оролбўйи болалари дам олади. Нукусдан келган Амир Дусебоневнинг таассуротлари болаларча содда, бироқ юракдан чиққан сўзлардир:

қомини олди. Яъни, жорий йилдан «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи деб аталадиган бўлди. Чунки ажойиб об-ҳаво ёзининг чилласида машғулот ўтказиш учун жуда қулай.

Роман Шокиров, самбо бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Июн ва июл ойларида 35 нафар ёш самбочимиз бу ерда дам олганди. Айни пайтда 15 нафар ўсмирлар терма жамоаси аъзоси шу ерда. Машқлар учун барча шарт-шароитлар бор. Бассейн, спорт майдончалари аъло даражада. Биздан ташқари, футбол, бокс, волейбол бўйича ҳам жамоалар «Алгоритм»да йиғин ўтказишяпти. Олдимизда халқаро мусобақалар турибди. Уларга келгусида ҳам шу ерда тайёрланмоқчимиз.

Муаммони эътибор ечади

Келажакда яна қандай ишлар режалаштирилган? Ушбу савол билан Й.Раҳимжоновга мурожаат этдик.

— Аввало, ишчиларни жой-жойига қўйишга катта эътибор қаратамиз. Ошпазлар, маънавият ва маърифат хонаси мудури, мусобақ раҳбар-у тарбиячилар, етакчилар-у спорт йўриқчилари, барчасидан биринчи навбатда тартибни сўраймиз. Чунки тартиб-интизом бор жойда иш ҳам бўлади. Ходимларимизнинг фидойилиги, ўз ишларига устаси эътибори боис қандай таъдир уштирамоқчи бўлсак, бошқа жойлардагига қараганда осон кечади.

— Янги спорт заҳралари қуриладими?

— Шундай қилиш керак. Бироқ бунда нафақат тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгаши, балки бошқа ташкилотларнинг, жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳам кўмаги керак. Биз «Алгоритм»ни чемпионлар шуғулланувчан масканга айлантирсак, бундан ўзбек спортини фаядат ютади.

Атрофимиздаги «Лайнер», «Шарқ йўлдози», «Сўёшли», «Дўстлик» каби турли ташкилотларнинг болалар оромгоҳлари маблағдан қийналиб, аксарияти ёпилиб ҳам кетди. Асир болаларимиз шундай боқово жойларда дам олиш керак-ку. Демак, қанчалик қийинатта тушмасин, оромгоҳларимизни асрашимиз керак!

Йўлчибой ака айтганини қилаёти. Оромгоҳнинг ҳужалик ҳисобидаги маблағлар вазисига бир маромада ишлаганига замин яратаяпти. Масалан, 2008 йили «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳида жами тўрт навбатда 3600 та ўғил-қиз дам олди. Иккинчи нуқулга Қорақалпоғистон ёшлари, Тошкентдаги 22- ва 23-маҳрибонлик ўйларни болаларимизнинг мунтазам имтиёзли равишда соғломлаштирилиши, айниқса, диққатга сазовордир.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Сп Орт Оламида

Реал - айдики спорт турида киши рақиб ҳамласини бартараф этиш, турли куруллар билан қилинган тажовуздан ҳимояланиш маҳоратини ўрганади. Шунинг учун ҳам ёшлар орасида бу тур машғулотларига қатнайдиганлар сони кўпаймоқда.



Қаршида Соҳибқирон турнири

Мусобақалар эса машқларнинг қанчалик самарали ўтаётганини аниқловчи асосий мезонлардан бирidir. Яқинда Қарши Олимпия захиралари коллежида реал-айдики бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирига бағишланган турнир голиблари аниқланди.

Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё вилоятларининг 250 нафар спортчилари ўз дастурларини муҳлислар ҳужмига ҳавола этишди.

Биз турнирнинг қумуш медали соҳибни, реал-айдики бўйича республика биринчилиги голиби, Қашқадарё терма жамоаси аъзоси Жамшид Мейлиев билан суҳбатлашдик.

— Спорт тури билан

шуғулланувчилар сони ошмоқда. Демак, энди мусобақада голиб чиқиш ҳам осон кечмайди, дейди Жамшид Мейлиев. — Шунинг учун Амир Темур турнирига жиддий тайёргарлик кўрдик. Дастлаб саралаш ўтказилди, кучлилар Қарши шаҳрига ўқув-машғулот йиғинига жалб этилди. Бу ерда мураббийлар Элмурод Жўраев ва Анвар Холмўминов ёш спортчиларнинг мусобақа олди ҳаяжонини йўқотиш, усуллар бажариш чоғида яқдилликка эришиш йўлида иш олиб боришди.

Жамоавий бахсларда биринчи ўрин Андижон вилояти, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ғорна эса Қашқадарё вилояти жа-


моасига насиб этди. Катталар ўртасидаги яққалик баҳсида қашқадарёликлар устози Анвар Холмўминов голиб деб топилди.

Мазкур турнирда мезон жамоа жами 50 нафар қатнашчи билан иштирок этиб, яқинда 25 та медал қўлга киритилди. Усмирлардан Фаррух Васиев, Саидисломбек Маллаев, Жаҳонгир Шералиев, Хумоюн Холмонов, Толмас Шарипов совриндор, қизлардан Махлиё Туропова, Зарнигор Каримова, Дилфуза Баротова шоҳсулғага кўтарилишди.

Олдинда — республика турнири. Айдикичун энди ноябр ойда Тошкент шаҳрида учрашадилар.

А.АКМАЛОВ

«Машъал» — «Бунёдкор» 0:2



Муборак шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 19-тур учрашувлари доирасидан ўрин олган (қолдирилган) ўйин бўлиб ўтди. Унда мезонлар «Машъал» жамоаси чемпионат пешқадами «Бунёдкор» футболчиларини қабул қилиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Шуниси эътиборлики, пойтахтликларнинг ҳар иккала голини ҳам 12 ва 89-дақиқаларда «Бунёдкор» сафида илк расмий учрашувини ўтказган бразилиялик тўп сеҳргари Ривалдо киритди. Шу ўринда бир маълумот. 19-турнинг яна бир қолдирилган учрашуви «Пахтакор» ва «Бўҳоро» ўртасидаги ўйин 18 сентябр кунини бўлиб ўтади.

Майдонда — мини-футболчилар

Бўҳоро вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмалари кўмитаси меҳнат жамоаларида спортнинг оммалашувиغا эътиборни қулайтирмоқда. Тармоқ корхоналари ўртасида яқинда мамлакат мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб мини-футбол мусобақалари ўтказилди.



Бахсларнинг Бўҳоро нефть ва газ саноти касб-хўнара коллежида бўлиб ўтган финал босқичида «Бўҳоротелеком» филиали жамоасини мағлубиятга уратган 5-шаҳарларара магистрал алоқа техник болгамаси спортчилари голибликка эришишди. Вилоят радиотелевидение узатиш жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Мусобақалар якунида «Энг мохир тўпурар», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг мохир дарвозабон» каби ўрта номинация голиблари ҳам аниқланди. Юқори натижаларга эришган жамоаларга дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

Беллашувларда биринчи ўринни эгаллаган 5-шаҳарларара магистрал алоқа техник болгамаси жамоаси сентябр ойда Қарши шаҳрида ўтказила-

диган мини-футбол бўйича худудий мусобақаларда қатнашиш ҳужуқини ҳам қўлга киритди.

Болта ҒАФФОРОВ, мусобақа бош ҳаками, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий

Дўланажон, мунғайма...

Нурота воҳасига икки қошдек ярашган Оқтоғ ва Қоратов бор.

— Қашқирларнинг итдан фарқи қолмади, — дейди Оқтоғ этагида яшовчи Ортық ака Раҳимов. — Уша ёлдор бўрилар эртақлардагина қолган. Ҳозирги бўрилар ҳўрак излаб кишлоқ атрофида изғийди. Бирортасида важаҳат йўқ. Нигоҳларида умидсизлик. Илгарилари тоғнинг ягона ҳўкмдори эди. Аммо эндиликда ўз қўрғонида ҳам тинч ётолмайди. Одамларнинг уйсигача етиб борди. Тоғнинг инсон оёғи етмаган ери қолмади ҳисоб. Ҳозир тоғ эгаси ўтинчилар бўлиб қолди. Оёқости қилишяпти. Кўз ўнгимизда Оқтоғ табиати кўнпаяқ қор бўляпти. Талон-тароҳ қилинаёпти. Инсоф қолмади одамларда.

улгурган. Энг баланд нуқта бўлимиш Тақия чўққи. Етим чўққи, Паймона чўққилари кўйивонлар томонидан аллақачонқ забот этиб бўлинган. Бодом, соритол, дўлана, қорабодом сингари дов-дарактларни аёвсиз кесиб ўтин қилишдан тап тортайдиганлар бор.

Ортық Раҳимовнинг куйиниши юракка чўғ ташлаб турган кунларда кўшни кишлоқда яшовчи укамиз Фарҳод Эшонқуллов тоғ сайлига тақлиф қилиб қолди. Уйлаб кўрсак, ўзимиз улғайган бу тоғлар бағрига йўлимиз тушмаганига ҳам нақд ўттиз бир йил бўлибди. Кузинг ҳазон-рези кунларида сафар тўнини кийдик.

Паймона чўққиси сари қорва тўёқлари ҳосил қилган йўлақдан кўтариламиз. Аслида боболар бу чўққига беҳуда Паймона номини бермаган. Атроф худуд хавф-хатарга тула бўлган. Унғирлар, чаккалзорлар, тўқайлардан ногоҳонинг ёвойи хайвон ҳуружига дўч келиши мумкин бўлган. Қашқир, тўнғизлар

билан бир қаторда илон, чаён, қорақурту буюқбўшлар сероб экан. Эскиларнинг хотирлашчиси, отнинг қорнини бир зарб билан тешиб ўта оладиган қучли ўқилонлар бўлган. Хуллас,

назар ташлаймиз. Жилдираб пастга интилган сув аввало толлимия ўсимлиги илдиэларига бош уради. Толлимия илдиэини табиблар не ранжу-машақат ила топиб ички касаллиги бор беморларни даволашда қўлланган.

— Оқтоғнинг Қовунчи, Урозмат, Жомбулоқ кишлоқлари қисми тақоронга, яйловга айланиб бўлди, — дейди Фарҳод Эшонқуллов. — Эндиликда унинг Қоратош, Эжгант, Тевадоқ кишлоқларидаги қисми ҳам аяқлик ҳолга келяпти. Одамлар минглаб гектар яйловлар була туриб чорвасини тоғда боқсига оdatланишди. Боз устига аҳолининг муайян қисми кишага ўтин ғамлаш учун қовлардаги дов-дарактларга аямасдан болта соляпти. Оқибатда ўнлаб чакимларга чўзилган дарактзорлар умри поғнига етказилмоқда. Хатто тоғдаги дарқора бодом, дўлана, соритолларни қирқиб, бозорларда сотувчилар ҳам пайдо бўлди. Утинфурӯш чор-



Табиат — бебаҳо бойлигимиз

қўнғилни хавотир-ҳадикка солуви, қўрқув уйғотувчи Паймона сари кўтариламиз. Тан олиш керак, Оқтоғнинг ҳислати унинг зилол чашма-ю булоқларида. Уларнинг манбаи дов-даракт. Паймона чўққисидан бошланган чашма кўзига

Балиқлар ҳам туш қўрармикан?..



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Маданият ходимлари касабаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакилиги жамоаси Оққўрғон туман марказлашган клублар тармоғига қарашли 8-қишлоқ клуби мудури

Илҳом АЛИҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдирди

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси Оққўрғон туман тармоқ касабаси уюшмаси кенгашининг бош ҳисобиси А.Б.думалик Очиловга падары бузруквори

ХОЛДОР отанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Нурулла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.